

УДК 711.168

XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ТОШКЕНТДА БАРПО ЭТИЛГАН НОЁБ МЕЪМОРИЙ БИНОЛАРНИНГ ТУРИЗМДАГИ АҲАМИЯТИ.

М.А. Талипов

профессор

З.Б. Байметова

магистрант

Тошкент архитектура-қурилиш институти.

Аннотация: *Ушбу мақолада Тошкент шаҳрида XX асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган ноёб биноларнинг классификацияси, ҳозирги ҳолати, уларни сақлаб қолиш ва туристик объект сифатида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ноёб бинолар, туризм, маданият объектлари, сақлаб қолиш, туристик объект.*

Аннотация: *В данной статье рассмотрены вопросы сохранения и использования в туристических целях уникальных зданий, возведенных во второй половине XX в. в г. Ташкенте и дана классификация этих объектов.*

Ключевые слова: *уникальные здания, туризм, объекты культуры, сохранение, туристический объект.*

Annotation: *This article discusses the problems of saving and use for tourism purposes of unique buildings built in the second half of XX century in Tashkent and given the classification of these objects.*

Key words: *unique building, tourism, objects of culture, to save, touristic object*

Кириш: Ўзбекистон шаҳарлари кўплаб тарихий бино ва иншоотларга бой бўлиб, улар асосан дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ҳудудида жойлашган. Булар орасида масжидлар, мадрасалар, миноралар, хонақолар, саройлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, сардобалар, мақбараларни кўплаб учратамиз. Шунингдек, ўзига хос турар жой архитектурасига эга бўлган тарихан шаклланган маҳаллалар ҳам киши эътиборини тортади. Ҳозирда мамлакатимизда 7000 га яқин меъморий ва археологик ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларни авайлаб-асраш, реконструкция ва реставрация қилиш ҳамда улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб турибти.

Юқорида номи зикр этилган тарихий шаҳарлар Республикаимизнинг асосий туристик марказлари бўлиб, аксарият туристик маршрутлар айнан шу шаҳарларда ташкил этилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Тошкент, Термиз, Қўқон, Шахрисабз каби шаҳарлар ҳам ўзларининг меъморий ва археологик обидалари билан фахрланиши

мумкин. Ушбу шаҳарлар ҳам сўзсиз йирик туристик марказлар сифатида туристлар ва мутахассислар эътиборини тортиб келмоқда.

Тошкент мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиб, 2200 йиллик тарихга эга шаҳар ҳисобланади. Уни, турли даврларда, ҳақли равишда, “Тошкент- нон шаҳри”, “Тошкент – шарқ юлдузи” ва “Тошкент – дўстлик шаҳри” - деб бежиз аташмаган[1].Ўз тарихи давомида Тошкент кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Турли даврларда шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида ривожланиб, ўзининг бетакрор қиёфасига эга бўла бошлади. Ушбу мақолада шаҳарда XX асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган ноёб иншоотлар ҳақида сўз юритамиз.

Тошкентда бу даврда барпо этилган бино ва иншоотлар ўзининг гўзал меъморий ечимлари, оригинал композицияси билан шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Улар шаҳарсозликда ҳам ўз ўрнига эга ва уларни сақлаб қолиш ҳамда фойдаланиш масаласига эътиборни қаратиш жуда муҳим.

Ҳозирги кунда архитектура ва шаҳарсозлик назариясида ҳам, амалиётида ҳам шаҳарнинг меъморий қиёфасини шакллантиришда ўзига хос миллийликни сақлаб қолган ҳолда тарихий шаҳарларни реконструкция қилиш жараёнида меъморий ёдгорликлар ва замонавий бино ва иншоотларнинг уйғунлигига эришиш муҳим масала ҳисобланади [2].

Шаҳарсозликнинг шиддат билан ривожланиши натижасида, одамларнинг турмуши ва дам олиши учун муҳит яратиш муаммолари юзага келди. Бу муаммолардан одамларнинг эҳтиёжини қондирадиган ва бадиий жиҳатдан бетакрор муҳитлар яратиш шаҳарсоз ва меъморларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади [3].

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий-иқтисодий соҳада ривожланиш жараёнининг ўсиши кўзга ташланмоқда. Республика аҳолисининг маданий даражаси ва моддий фаровонлигининг ошишига қараб унинг фаоллиги, харид қобилияти, спорт, кўнгилочар томошалар ҳамда жамоат ҳизматиغا йўналтирилган бошқа муассасаларга талаб ҳам ўсиб боради. Кейинги йилларда Республикамизга ҳорижлик сайёҳларнинг келиши сезиларли даражада ўсганлиги кузатилмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган илмий анжуманлар, симпозиумлар, ижодий учрашувларга хорижлик олимлар, ишбилармонлар, дипломатларнинг ташрифлари сезиларли даражада фаоллашди[4]. Буларнинг барчаси жамоат манфаатларига ҳизмат қилишга йўналтирилган бинолар, турар-жойлар, меҳмонхоналар, театрлар, кинотеатрлар, супермаркетлар, маданий-маърифий, спорт савдо марказларини жадал ривожлантириш учун объектив шарт-шароит яратилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, замонавий бино ва иншоотлар билан бир қаторда биз тадқиқ қилаётган даврда барпо этилган ноёб бино ва иншоотлар ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнайди.

Асосий қисм. XX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида бир қанча ноёб бино ва иншоотлар бўлиб, уларнинг вазифалари турлича бўлганини кўрамиз. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- турар жой бинолари;
- жамоат бинолари;
- саноат бинолари.

Ушбу мақолада асосий эътибор Тошкент шаҳрида барпо этилган турар жой ва жамоат биноларига қаратилади. Турар жой бинолари ҳақида гап кетар экан, Тошкентнинг Навоий (1- расм) ва Шота Руставели кўчаларида жойлашган 3-4 қаватли турар уйлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, 60-йилларгача Тошкентда кўп қаватли уйлар санокли бўлиб, улар юқори шифтли, кенг хонали уйлар бўлган. Шота Руставели кўчасидаги уйларда кўпроқ Европа архитектурасига хос меъморий элементлардан фойдаланилган бўлса, Навоий кўчасидаги уйларда эса кўпроқ миллий элементлар қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бу элементлар равоқ, панжара, айвонча кўринишида намоён бўлади. Бу бинолар ўз даврининг ноёб бинолари сифатида сақлаб қолиниши ва қисман реконструкция қилиниб, ўз функциясини яна кўп йиллар мобайнида давом эттириши мумкин.

Тошкентда 1966 йилда бўлиб ўтган вайронакор ер силкинишидан сўнг кўплаб кўп қаватли турар жой бинолари барпо этилган бўлиб, улар орасида архитектор О. Айдинованинг ижодига мансуб 16 қаватли турар жой биноси (М. Космонавтлар) (2-расм), архитектор Г. Коробовцев томонидан яратилган ҳовли ўрнини босувчи катта ёзги айвонли турар уйлар (Марказ -27) диққатни ўзига жалб этади.

Архитектор О.Айдинова томонидан яратилган 16-қаватли турар-жой ўзига яраша архитектурага эга бўлиб, унда ҳар 3 қаватнинг бирида баландлиги 10 метр бўлган рекреацион мақсадларда фойдаланиладиган ҳовлилар барпо этилганини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳовлилар шу ерда истиқомат қилувчи фуқароларнинг дам олиш, ўзаро мулоқотда бўлиши ва шу билан бирга кичик тадбирларни ўтказишга ҳам мўлжалланган. Бу бионинг ўзига хос меъморий композицияси ва шаҳарсозлик нуқтаи назаридан жойлаштирилиши ҳам киши эъборини ўзига тортади. Ушбу бино Тошкент шаҳрининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуднинг энг гўзал иншоотларидан бўлиб келмоқда.

16-қаватли бионинг ўзига хослиги – рекреацион ҳовлиларнинг мавжудлигидир. Ҳар 3 қават баландлиги 10 метр бўлган ҳовлилардан иборат. Бундай ҳовлилар бири-биридан сал бўлса ҳам фарқланган, аммо ҳар бирида дарахт ва уй эгаларининг хордиқ чиқариши учун ўриндиқлар мавжуд эди. Бу ҳовлиларда кези келса туй-маросимлар, туғилган кунлар ҳам нишонланган.



1-расм. А.Навоийкўчасидагиуй.



2-расм. 16-қаватли турар-уй. "Жемчуг".

- спорт бинолари;
- савдо бинолари;
- меҳмонхоналар;
- умумий овқатланиш муассасалари ва бошқалар.

Маданият объектларига мисол тариқасида кўплаб ноёб биноларни келтириш мумкин. Улар орасида Халқлар дўстлиги саройи” (3-расм), А. Навоий номидаги кино саройи (4-расм), Тарих музейи (5-расм), “Туркистон” саройи, цирк биноси (6- расм), кўргазмалар зали алоҳида аҳамиятга эга иншоотлар ҳисобланади.



3-расм. Халқлар дўстлиги саройи.



4-расм. А. Навоий номидаги кино саройи.

Спорт иншоотлари орасида “Юнусобод” спорт мажмуаси (7-расм), “Юбилейный” муз саройи (8-расм) ҳам диққатни ўзига жалб этади.

Афсуски “Юбилейный” муз саройи қайта реконструкция қилиниб, кўргазмалар залига айлантирилди. Унинг реконструкциядан кейинги кўриниши, албатда, киши эътиборини ўзига жалб эта олади деб бўлмас эди. Ҳозирги кунга келиб, муз саройи ўзининг асл ҳолига келтириш мақсадида қайта реконструкция қилинмоқда.



5-расм. Тарих музейи.



6-расм. Цирк биноси.



7-расм. “Юнусобод” спорт мажмуаси. 8-расм. “Юбилейный” муз саройи.

Савдо иншоотларидан “Тошкент” универмаги (ЦУМ) (9-расм), “Тошкент” савдо маркази (ГУМ) ноёб иншоот сифатида юқоридаги рўйхатдан ўрин олишга ҳақли. Чорсу бозорининг ёпиқ биноси ҳам шаҳарнинг ташриф қоғозига айланиб улгурган (10-расм).



9-расм. “Тошкент” универмаги.



10-расм. Чорсу бозорининг ёпик биноси.

Меҳмонхоналар орасида “Ўзбекистон” (11-расм) ва “Чорсу” (12-расм) меҳмонхоналари жуда оригинал бинолар сифатида эътирофга лойиқ. Бу бинолар шаҳарсозлик нуқтаи назаридан қараганда ҳам ўзи жойлашган ҳудудда доминант сифатида кўзга ташланади ва меъморий кўриниши жиҳатидан ўзида миллийликни ва замонавийликни мужассам этади.



11-расм. “Ўзбекистон” меҳмонхонаси.




12-расм.

“Чорсу” меҳмонхонаси меҳмонхонаси

Умумий овқатланиш муассасалари орасида “Мовий гумбазлар” кафеси (13-расм), “Зарафшон” ресторани ва “Самарқанд” чойхонасини (14-расм) ўз даврининг кўзга кўринган ноёб иншоотлари қаторига қўшиш мумкин. Афсуски, “Зарафшон” ресторани ва, айниқса, “Самарқанд” чойхонаси кўп ўзгаришларга дуч келди ва ташқи кўринишининг ўзгариши билан бирга функционал жиҳатдан ҳам моҳиятини ҳам йўқотган.



13-расм. “Мовий гумбазлар” кафеси.



14-расм. “Самарқанд” чойхонаси.

Шуни айтиш жоизки, юқорида номи зикр этилган бино ва иншоотларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг меъморий кўриниши ҳам ўзига ҳослигини ҳис қиламиз. Бу бинолар архитектурасида ҳам жанубий архитектурага хос бўлган соя-ёруғлик ўйини, шу билан бирга Ўзбекистон архитектура иншоотларида кўп учрайдиган миллий безак элементлари бўлмиш қуёшни тўсадиган панжаралар, равоқлар, муқарнас, нақшинкор элементларнинг қўлланилганлиги ҳам бу биноларнинг ўзига хос бетакрор қиёфасини шакллантирганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу бинолар ўзининг мукаммал ҳажмий-фазовий ечимлари билан ҳам ноёб ҳисобланади. Бу биноларнинг бири иккинчисига умуман ўхшамайди, ҳар бири ўзига хос қиёфага эга. Шу билан бирга бу биноларнинг мустаҳкамлик даражаси ҳам жуда юқори. Ўша даврларда барпо этилган бинолар маълум бир атоқли саналарга мўлжаллаб қурилган бўлиб, улар ниҳоятда пишиқ ўйланган, уларнинг меъморий ва конструктив ечимлари мукаммал ҳолда барпо этилган. Ушбу биноларнинг муаллифлари Республикамизнинг етук меъморлари ҳисобланган.

Бу ноёб иншоотларнинг функционал тузилиши содда ва қулай ҳал этилган. Биноларнинг ички кўринишида ҳам замонавийликни, ҳам миллийликни ўзида акс эттирган паннолар, нақшинкор безаклар, шу билан бирга миллий архитектурамизга хос бўлган ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналарини кўп учратишимиз мумкин. Айни шу жиҳатлар ҳам биз тилга олган биноларнинг ноёблигини тасдиқлайди.

Шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ушбу мақолада номи келтирилган бинолар жуда тўғри ўрнида жойлашганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ноёб бинолар шаҳарнинг кўпгина қисмида мўлжал ёки доминант сифатида намоён бўлиб, шаҳарнинг кенг кўчалари ва майдонларини безаб туради. Ушбу ноёб иншоотларнинг шакли ҳам бизнинг мамлакатимизнинг шу даврларда эришган архитектура ва қурилиш соҳасидаги ютуқларини омма эътиборига ҳавола эта олган. Биз кўриб чиқаётган ноёб иншоотлар Тошкент шаҳрининг қиёфасини белгилаб берувчи иншоотлар ҳисобланади ва ўйлаймизки, бу иншоотларни борлигича сақлаб қолиш ва уларни имкон даражасида ўзининг дастлабки ҳолатида келажак авлодга етказиш муҳим масала ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, биз ўрганаётган Тошкент шаҳрида жойлашган ноёб объектлар туристик объект сифатида ҳам Тошкент шаҳрида бўйлаб шакллантирадиган туристик маршрутлардан ҳақли равида жой олиши мумкин. Чунки бу бинолар ўзига хос бир давр архитектураси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида барпо этилган бинолар кўлами жуда кенг. Уларнинг аксарияти яхши ҳолда бизгача етиб келган ва шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибти. Аммо, ўзининг мукаммал архитектуравий ва конструктив ечимига эга бўлган ҳамда муҳим шаҳарсозлик объекти бўлган бир қанча бинолар, хусусан, киночилар уйи (15-расм), Болалар ва ўсмирлар саройи, “Буратино” кафеси каби бинолар бутунлай бузиб

ташланган. Ваҳоланки, ушбу бинолар шаҳарнинг замонавий қиёфасига бемалол мослаша олиши мумкин эди.

Биз барчамиз Ўзбекистонда ЮНЕСКО нинг бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий шаҳарларимиз билан фахрланаимиз. Аммо ЮНЕСКО томонидан нафақат қадимий ва тарихий ёдгорликлар балки XX асрнинг 50-70 йилларидаги Оскар Нимейернинг Бразилия учун ишланган биноси ҳам кирган. Бизда эса бундай мадеристик архитектура ёдгорликлари 50 дан ортиқ.

Экспериментал уйларнинг жозибаси ва “сейсмик модернизм” нафақат кексалар балки ёш авлод орасида ҳам илиқ туйғулар уйғотади. Бу улуғвор бинолар гавжум Тошкентнинг ўзига хос муҳитни сақлашга ўз хиссасини қўшган ва ҳозирги кунга келиб батафсил ўрганиб чиқишимизга лойиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.Исхаков “Сны о старом Ташкенте” Тошкент – 2017.
2. Т.Ф. Кадырова. Архитектура Советского Узбекистана. Ташкент, 1987.(318-б.)
3. С.Б.Маноев “Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигида меъморий ансамбль ва комплекслар” Самарқанд – 2014. (133-б.)
4. Х. М. Убайдуллаев, М.М.Иноғомова. “Турар жой ва жамоат биноларини лойихалашнинг типологик асослари”. Тошкент – 2009 (3-б.)